

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Вилоят ҳокимлиги
ҳузуридаги Жамоатчилик
Кенгаши раиси

 **Н.ТОҒАЕВА**

2025 йил “15” март

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг
4 – Й И Ё Л И Ш И Б А Ё Н Н О М А С И

Ўтказиш жойи: “Ёшлар маркази” кичик мажлислар зали
Ўтказиш санаси ва вақти: 2025 йил 15 март соат 15.00.

Кенгаш раиси:	Н.Тоғаева
Кенгаш котиби	М.Хамидов
Иштирок этган	
аъзолар сони:	12 нафар аъзо
Маълум сабабларга	
кўра иштирок этмаган	
аъзолар:	4 нафар (<i>Д.Орзиева, Ҳ.Жумаев, З.Тогаев,</i> <i>А.Муқимов</i>)

Йиғилишга таклиф этилганлар:
ННТлар ва ОАВ вакиллари (*25 нафар*)

КУ Н Т А Р Т И Б И

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий Кенгашнинг 2025 йил 5 мартдаги Давлат раҳбари бошчилигида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлардан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида

Сўзга чиқувчи: **Ғ.Алиев** – Коррупцияга қарши курашиш вилоят ҳудудий Кенгаши раиси, ЖК аъзоси

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий Кенгашнинг 2025 йил 5 мартдаги Президент бошчилигида ўтказилган йиғилишда “Ноила” ИКХТМ маркази раҳбари М.Хамидов билан мулоқот жараёнида маиший коррупцияни тадқиқ қилишда Навоий тажрибасини яратиш билан боғлиқ масалалар ва мазкур жараёнда жамоатчилик Кенгашлари аъзоларининг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўзга чиқувчи: **Н.Тоғаева** – Жамоатчилик Кенгаши раиси

3. Бошқа масалалар

1. ЭШИТИЛДИ:

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши тўртинчи йиғилишини Кенгаш раиси Н.Тоғаева олиб борди.

Н.Тоғаева йиғилишни кириш сўзи билан очиб, коррупцияга қарши курашиш борасида вилоятимизда жамоатчиликнинг роли ва имкониятлари юзага чиқариш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги **биринчи масала** – Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий Кенгашнинг 2025 йил 5 мартдаги Давлат раҳбари бошчилигида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлардан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида Коррупцияга қарши курашиш вилоят ҳудудий Кенгаши раиси, ЖК аъзоси – **Алиев Ғофир Қувватовичга** берилди.

Маърузачи ўз сўзида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий Кенгашнинг 2025 йил 5 мартдаги Давлат раҳбари бошчилигида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ва улардан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида батафсил таҳлиллар билан тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этди. Йиғилишда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берилиб, келгуси вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлади. Шу боис сўнгги йилларда бу иллатга қарши курашиш бўйича қонунлар қабул қилиниб, янги тизим яратилди. Парламент палаталарида масъул қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Агентлик ташкил қилинди. Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очиқ тизим, очиқ муҳит яратилди. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда. Аввало, коррупциянинг омилларига қарши курашилмоқда. Масалан, ерни ҳоким қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечиб, аукцион тизимига ўтказилгани натижасида бу тизим халқчил бўлди. “Шаффоф қурилиш” дастури жорий этилганидан кейин бу соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар сезилди. Давлат харидлари бўйича қонун қабул қилингани, танлов ва тендер рақамлашиб, соғлом рақобат бўлгани учун ўтган йили 14 триллион сўм бюджет маблағи тежалди. Бугунга келиб, барча банклар 100 миллион сўмгача маиший кредитларни инсон омилисиз 5 дақиқа ичида онлайн бераяпти. Натижада олдин бу иш билан шуғулланган минглаб банкирлар энди маҳаллага тушиб, одамларга лойиҳа, кредит таклиф қилиб, мижозини кўпайтириш билан ишляпти.

Мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу соҳада мурожаатлар сони 2,5 каррага камайди. Олий таълим тизими ҳам рақамлаштирилди. Аввал тест топшириб, тўплаган баллига қараб, кейин олийгоҳни танлаш жорий қилинди. 35 турдаги ҳужжатларни инсон омилисиз олишга ўтилгани учун соҳадаги мурожаатлар 2,2

баравар камайди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори “боди-камера”да хизмат ўтаётгани, автороқамлар аукционда сотилаётгани, қоғоздаги баённома йўқ бўлгани учун коррупция омиллари кескин камайди.

Аҳоли ва тадбиркорларга “халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Натижада 200 мингга яқин янги тадбиркорлар бозорга кириб келди. Чет эл иштирокидаги корхоналар қарийб 5 карра ошиб, 23 мингга яқинлашди. Электрон давлат хизматлари сони 15 карра ортиб, 721 тага етди, улардан фойдаланувчилар эса, 11 миллиондан ошди.

Энг муҳими, булар орқали аҳоли, тадбиркорлар, хорижий ҳамкорларимиз, халқаро ташкилотлар ва инвесторларнинг ислохотларга ишончи мустаҳкамланди. Сўнгги етти йилда 120 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киргани, иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, ўтган йили 115 миллиард долларга етгани бунинг исботи.

Президент коррупцияга қарши курашиш доимий жараён эканини айтиб, бу борадаги долзарб масалаларни ва келгуси вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари, асосан, коррупцияни аниқлаш ва жазолаш билан ишлаб, коррупциявий омилларни таг-томири билан йўқотадиган превентив чоралар эътиборсиз қолаётгани қайд этилди.

Шу боис Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг иш услуби ўзгартирилиши белгиланди. Бунинг учун, тажриба тариқасида 5 та – Соғлиқни сақлаш, Қурилиш, Сув хўжалиги вазирликлари, Нефтегаз ва Сувтаъминот жамиятларининг компаенс назорати агентликка ўтказилади.

Шунингдек, туманлар даражасига тушиб, маиший ва тизимли коррупция омилларини чуқур ўрганади. Таҳлиллар асосида аниқ чораларни ишлаб чиқиб, Миллий кенгашга тақдим этади.

Коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маиший коррупция шаклида содир этилаяпти. Шу боис энди Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркиби тўлиқ янгиланади. Уларга вилоят халқ депутатлари кенгаши раислари бош бўлади.

Ҳудудий кенгашлар коррупциявий омилларни аниқлаб, уларга барҳам бериш учун қонунчиликни ўзгартириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга таклиф киритади.

Бундан саккиз йил аввал ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Бу тизим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда ҳудудлар салоҳияти ошди.

Шу боис энди прокурор, ички ишлар ва солиқ раҳбарлари секторлар фаолияти билан шуғулланмаслиги белгиланди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича қўшимча вазифалар қўйилди.

Давлат харидларида коррупциянинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Эксперт комиссияси тузилади. Илғор тажриба

асосида давлат харидларида товарларнинг ўртача бозор нархлари кўриниб турадиган электрон платформа яратилади. Бунда, давлат харидларида сотиб олинадиган товар ва хизматлар нархи ўртача бозор нархидан кўпи билан 20 фоиздан ошмаслиги шарт. Ушбу талабни бузганлик учун қонун билан жавобгарлик ва жарималар жорий қилинади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан асосий воситаларни харид қилиш бўйича талаблар ҳам кучайтирилиши белгиланди. Давлат идораларининг харидларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган транспорт ва мебелга устуворлик бериш зарурлиги қайд этилди. Йирик лойиҳаларни юқори даражадаги коррупцияга қарши стандартлардан келиб чиқиб баҳолаш талаби қўйилди. Коррупциянинг олдини олиш – давлат хизматида профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланади. Шу боис ишга олишдаги тартиб ва ёндашувларни такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат хизматчилари даромадини декларациялашга оид қонун зарурати қайд этилиб, унинг лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши белгиланди.

Фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида ҳалоллик ғояларини сингдириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари нутқида жамоатчиликка мурожаат қилиб, коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждон иши эканини таъкидлади.

Йиғилишда парламент ва ҳукумат аъзолари, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот бўлди. Мазкур жараёнда Навоий вилоятидан “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази раҳбари Хамидов Мансуржон Абдухалилович ҳам бевосита Юртбошимиз билан мулоқот қилиб, коррупцияни олдини олиш борасида жамоат ташкилотларини ролини ошириш борасида ўз таклифларини берди.

Умуман, илк маротаба бундай тарзда йиғилиш ўтказилиши коррупцияга қарши кучли сиёсий иродани намоён этди. Давлатимиз раҳбари 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни илгари сурди.

Улар доирасида 5 та қонун, 12 та фармон ва қарорлар ишлаб чиқилади. Коррупцияга қарши курашишда парламент, Миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари кучаяди. Декларациялаш, ноқонуний бойлик орттиришга оид янги тартиблар киритилиши натижасида коррупция омиллари чекланади. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ташкилотлардаги ички назорат тузилмалари фаолияти кучайтирилади.

Маиший коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик, идоралар раҳбарлари масъулияти оширилади. Давлат хизматлари даражасини аҳоли баҳолайдиган тизим қилинади, энг ёмон кўрсаткичга эга соҳа раҳбарлари бўйича чора кўрилади.

Назорат инспекциялари мустақиллиги оширилади. Йирик инвестиция лойиҳаларида, аукционларда коррупциянинг олдини олувчи механизмлар жорий этилади.

Давлат харидлари тартибга солиниши, тўғридан-тўғри харидлар чекланиши ҳисобига бюджет маблағлари тежалиши таъминланади. Давлат пулини мақсадсиз сарфлаш ҳолатларига барҳам берилади.

Секторлардан озод бўлган куч ва воситалар жиноятчиликка қарши курашишга сафарбар этилиб, жамиятда барқарорлик муҳити ва одамларнинг розилиги ортади. Ноқонуний текширувлар устидан прокурор назорати кучайтирилиши орқали жойларда бизнес ва инвестиция муҳити яхшиланади.

Эришилган натижалар халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрнини яхшилайди. 2027 йилда UNCAC конференцияси мезбонлигига Ўзбекистон номзодини маъқуллаш учун замин ҳозирлайди.

Энг муҳим, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги юксалтирилиб, жамиятда коррупцияга қарши курашишга дахлдорлик шаклланади.

Ғ.Алиев ўз сўзида, мазкур йиғилишда мухтарам Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган топшириқлар асосида вилоят миқёсида ҳам қатор вазифалар белгилаб олинди. Жамоатчилик Кенгаши сифатида эса, ҳар бир аъзо томонидан вилоят ва ҳудудлар кесимида коррупцияни олдини олиш борасида жамоатчилик назорати тадбирларини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш, давлат органлари очиқлигини таъминлаш борасида зарур амалий ишлар олиббориш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги **иккинчи масала** – Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий Кенгашнинг 2025 йил 5 мартдаги Президент бошчилигида ўтказилган йиғилишда “Ноила” ИКХТМ маркази раҳбари М.Хамидов билан мулоқот жараёнида маиший коррупцияни тадқиқ қилишда Навоий тажрибасини яратиш билан боғлиқ масалалар ва мазкур жараёнда жамоатчилик Кенгашлари аъзоларининг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида сўз навбати Жамоатчилик Кенгаши раиси – **Тоғаева Назира Маманазаровна**га берилди.

Н.Тоғаева ўз сўзида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий Кенгашнинг 2025 йил 5 мартдаги Президент бошчилигида ўтказилган йиғилишда “Ноила” ИКХТМ маркази раҳбари М.Хамидов билан мулоқот жараёнида маиший коррупцияни тадқиқ қилишда Навоий тажрибасини яратиш билан боғлиқ масалалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Мухтарам Юртбошимиз мулоқот жараёнида маиший коррупцияни кенг қамровли ўрганиш, тадқиқот қилиш борасида аслида билдирилган таклиф бутун Республика миқёсида амалга оширилиши зарур эканлигини, аввало бунини пухта бир ҳудуд тажрибаси сифатида синовдан ўтказиб, “Навоий тажрибаси”ни яратган ҳолда мазкур тажрибани бутун Республика миқёсида оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги тўғрисида тўхталиб ўтди. Эндиликда жамиятда коррупцияни олдини олишда жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим бўлиб қолмоқда.

Кун тартибдаги мазкур масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Асосий масалалар бўйича сўзга чиққанлар Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши раиси, ЖК аъзоси Ғ.Алиев, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши раиси Н.Тоғаеваларнинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий Кенгашнинг 2025 йил 5 мартдаги Президент бошчилигида ўтказилган йиғилишда мухтарам Юртбошимиз томонидан берилган топшириқлар ҳамда “Ноила” ИКХТМ маркази раҳбари М.Хамидов билан мулоқот жараёнида маиший коррупцияни тадқиқ қилишда Навоий тажрибасини яратиш билан боғлиқ масалалар ва мазкур жараёнда жамоатчилик Кенгашлари аъзоларининг ролини ошириш билан боғлиқ қуйидаги вазифалар белгилансин:

- ёш авлод онгига ҳалоллик қадриятларини сингдириш юзасидан доимий равишда тарғибот тадбирларини ташкил этсин;

- 1 сентябрга қадар жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш юзасидан таклифлар тайёрласин;

- самарали ижтимоий шерикчиликни таъминлашда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда киберкоррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва нодавлат сектор ўртасида ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш билан боғлиқ таклифлар ишлаб чиқсин;

- жамоатчилик назорати доирасида Мактабгача ва мактаб таълими, Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан бюджет маблағлари ишлатилишида коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш масалаларини ўргансин ва натижаси юзасидан аниқ таклифларни тайёрласин;

- ўқувчи ёшларда коррупцияга нисбатан муросасизлик ҳис туйғуларини ва ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган грант лойиҳаларини жорий этиш борасида тегишли мутасадди ташкилотларга таклифлар киритилсин;

- ўқувчиларга ҳалоллик ҳақидаги асосий тушунчаларни ўргатиш учун мўлжалланган «Ҳалоллик» тўғараклари дастурини амалга оширилишини назорат қилиб борсин;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиб борсин;

- жойларда аҳоли билан учрашувларда жиноятчиликни жиловлаш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тўғри тушунтириб борсин;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдалансин;

- халқ депутатлари вилоят ҳамда шаҳар ва туман Кенгашлари билан коррупцияга қарши олиб борган фаолият юзасидан ҳамкорлик йўлга қўйилсин ва мазкур ҳамкорлик учун коррупцияга қарши курашишга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқсин;

- маҳаллий бюджетлар шаклланиши ва сарфланиши устидан маҳаллий Кенгашлар томонидан олиб борилаётган депутатлик назорати натижадорлигини ва ташаббусли бюджет жараёнларидаги ҳолатларини доимий таҳлил қилиб борсинлар;

- маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши ва сарфланиши борасида олиб борилаётган депутатлик назорати билан жамоатчилик назоратини интеграция қилган ҳолда натижадорлигини ошириш;

- ҳар чоракда прокурорлар ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳудудларда жиноятчиликни қисқартириш ва коррупциянинг олдини олиш борасида амалга оширган ишлари юзасидан ахборотларини эшитиш тавсия қилинсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Жамоатчилик Кенгаши котиби ва аъзолари зиммасига юклансин.

Овоз берилди: ёқлаб 12 киши

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Кенгаш котиби



М.Хамидов